

GERMAN CONFERENCE-2022

Berlin, Germany

JAN.
5TH

A CONFERENCE FOR THE
FUTURE GRADUATES AND EDUCATORS

INTERNATIONAL CONFERENCE
ON RESEARCH IN HUMANITIES
SCIENCES AND EDUCATION

SIGN UP
TODAY!

www.conferencea.org

- Technology
- Social Sciences
- Humanities
- Education
- Management



Conferencea
Virtual International
Conferences



C | O | P | E

Platform &
workflow by
OJS / PKP

Articles

Khujaev Davron Nuriddinovich

1-5

FEATURES OF THE CONCEPT OF "JUST SOCIETY" IN THE SOCIOPHILOSOPHICAL VIEWS OF ALISHER NAVOI

Kadamboev Bekhzod

6-8

METHODS AND MEASURES FOR ORGANIZING BUSINESS TOURISM

Moxira Zaripova

9-10

TIPS FOR CHOOSING COSMETOLOGY COMBINES FOR A BEAUTY SALON

Aripova Shodiya Makhmudovna, Tuychiyev Jamoliddin Muhammadali ugli

11-13

THE TYPES OF WORD FORMATION IN GERMAN AS FOREIGN LANGUAGE LESSONS

Kholmirzaeva Manzura Abdimurotovna

14-19

PECULIARITIES OF THE CONCEPTS OF NATIONAL INTEREST AND NEED

Kerimov Kamil Fikratovich, Sobirjonov Jakhongir Javlon oglu

20-23

DEVELOPMENT OF METHODS AND ALGORITHMS TO PROTECT WEBSITES FROM ATTACKS SUCH AS DDOS

Yodgorova M O, Shernazarova D.Sh.

24-25

MODERN METHODS OF EXTRACTING BIOLOGICALLY ACTIVE SUBSTANCES FROM PLANTS

Vaxobova Munira Salimovna

26-28

SPIRITUAL AND MORAL EDUCATION OF STUDENTS THROUGH SUFISM

GREAT TEXTBOOK OR THE CREATION OF A SCHOLARLY LITERARY CRITIC

Abdulla ULUG'OV

Professor of Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi,

Candidate of Philological Sciences

e-mail: ulugovabdulla05121960@gmail.com

(Uzbekistan)

Abstract: The textbook "History of Uzbek literature (from ancient times to the XVIII century)" by the famous literary critic Natan Murodovich Mallaev (1922 - 1996) has a special place in the socio-cultural life of our country after the 60s of the XX century. For more than half a century, this textbook has been acquainting not only philologists, but also Uzbek literature from ancient times to the XVIII century.

Атоқли адабиётшунос Натан Муродович Маллаев (1922 – 1996)нинг “Ўзбек адабиёти тарихи (қадимги замондан XVIII асрғача)” дарслиги XX аср 60-йилларидан кейинги давр мамлакатимиз ижтимоий-маданий ҳаётида алоҳида ўрин тутади. Чунки ушбу дарслик ярим асрдан кўпроқ давр мобайнида нафақат филологлар, балки барчани қадимги даврдан XVIII асрғача бўлган ўзбек адабиёти билан яқиндан танишириб келади. Натан Муродовичнинг мактаб ўқувчилари учун ёзилган, олий ўқув юрти филолог ва журналист талабалари учун мўлжалланган дарсликлари мустамлакачиликнинг нокулай муҳитида битилганига қарамасдан уларда ўзбек адабиёти қадим тарихга эга, бой адабиёт эканлиги, у жаҳон адабиётида муҳим мавқе эгаллаши ҳар жиҳатдан асослаб кўрсатилгани ва бу ҳануз барчага қувонч бахш этади. Қайта-қайта нашр қилинган ушбу дарсликлар шарофати билан бир неча авлоднинг ўзбек адабиёти тарихи тўғрисидаги дастлабки тасаввури шаклланди.

Маълум бўлишича, адабиётшуноснинг 8-синф учун “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслиги ўтган давр ичида 30 марта қайта нашр қилинган. Ушбу дарслик дастлаб 1953 йилда босилиб чиқкан. Алломанинг университет ва педагогика институтлари филолог, журналист талабалари учун “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслиги эса уч марта қайта чоп этилган. Мазкур муҳташам дарсликнинг ilk нашри 1963 йилда талабалар қўлига етиб борган. Тарихий воқелик текшириб қўрилганда ҳам, замонамиз ҳодисаларига назар ташлагандан ҳам жуда кам муаллиф бундай юксак натижага муяссар бўлгани ойдинлашади. Айни кўрсаткич бошқа фанлар билан қиёслагандан ҳам ўзига хос рекорд саналади. Ўрта мактаб ва олий ўқув юртлари учун ўзбек адабиёти тарихи бўйича дастур, мажмуалар тузиш, дарсликлар яратишда фидойилик билан хизмат қилиб, чинакам жонбозлик кўрсатган Натан Маллаевнинг ушбу ўқув курси хусусидаги мулоҳазалари, қарашлари барчани бирдай қаноатлантириб келади. Чунки у ўзининг фикри асосли эканини аниқ мисол ва мантиқий таҳлил асосида тақдим этади.

Олимнинг юксак профессионал маҳорат билан яратилган дарсликларида аввало адабиёт ижтимоий ҳаётнинг ифодаси сифатида миллий маданиятнинг таркибий қисми, муҳим бўлраги экани алоҳида таъкидланади. Забардаст адабиётшунос ўзининг мактаб ва олий ўқув юртларида ўқитиб келинган дарслик, ўқув қўлланмаларида ўзбек ижодкорлари ижтимоий ҳаёт мураккабликларини, замоннинг ўзига хос зиддиятларини, давр кишисининг дунёқарашини, унинг борлиққа муносабатини, инсоннинг қарама-қаршиликларга тўла ички оламини таъсирchan тарзда ифодалайдиган ранг-баранг шаклларда акс эттирганини ёрқин кўрсатади. Шу боис унинг дарслик, қўлланмалари кейинчалик шу йўналишдаги нашрлар учун андоза вазифасини ўтади. Олимнинг дарслик, қўлланмалари билан танишганлар ўзбек халқи азалдан юксак маънавий ҳаёт кечирганига тўла ишонч ҳосил қиласди. Ҳар бир ўзбек ўқувчиси эса бундан ич-ичидан ғурурланади.

Инсон табиатининг ғалатилиги ва ғаройиблиги шундаки, ҳеч ким бирорнинг сўзи, гапи, фикри, қарашини ўз призмасидан ўтказмасдан қабул қилмайди. Бошқа миллат вакилининг

мулоҳазаларига эса, албатта, шубҳаланиб, гумонсираб қарайди. Бу хавф шу даражада кучлики, агар ўша бирор бошқа миллатга мансуб бўлса, унинг қарашлари асосли, ўринли, фойдалилигидан қатъи назар, иложи борича унинг фикрини рад этиб, инкор қилгиси келади. Мабодо ўша одам бошқа динга эътиқод қиласа, бу истак, айни хоҳиш чандон кучаяди. Натан Муродович Маллаев яхудий эди. Лекин у ўзбек халқига, унинг маданиятига умр бўйи чинакам муҳаббат билан қаради. У ана шу самимий муҳаббати боис у ўзбек адабиёти тарихи бўйича энг зукко мутахассис бўлиб етишди ва сўнмас шон-шувратга эришди. Бир умр муаллимлик қилиб, талабаларга таълим берган, ўз ҳаётини ўрта мактаб ва олий ўкув юртлари учун ўзбек адабиёти тарихи бўйича дастур, мажмуалар тузиш, дарсликлар яратишга бағишилаган бу улкан педагогнинг ўзбек адабиёти тарихига доир тадқиқотлари энг мукаммал, энг бақувват дарслик, ўкув қўлланмаси сифатида эътибор қозонди. Муаллифнинг дарслик, қўлланмаларида баён қилинган мулоҳазалар эътибор қаратилган муаммонинг энг муҳим жиҳатларини ўзида мужассамлаштиргани боис қўнгилга жойланиб қолади. Уларда ўзбек халқига, унинг кўхна маданияти ва қадим адабиётига самимий меҳр, чин муҳаббат жамулжамлиги эса ўқувчиларга жуда-жуда хуш ёқади. Адабиёт тарихи, адабиёт назарияси бўйича йирик мутахассиснинг қадимги афсона, ривоятлар, Ўрхун-Энасой ёдгорликлари, “Девону луготит турк”, “Кутадғу билик” каби кўхна манбалар, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Бобур сингари ижодкорлар яшаган ижтимоий даврнинг ўзига хос жиҳатлари, асарларнинг жанр хусусиятлари тўғрисидаги мулоҳазалари барча адабий шакллар – улар хоҳ шеърият, хоҳ наср, хоҳ драматургияга тегишли бўлсин, ҳамиша сунъий ва доимо ўзгарувчан эканлигидан далолат беради.

Натан Маллаев сингари олимларнинг муттасил ижодий изланишлари туфайли XX асрда адабиётшунослик касб даражасига кўтарилди. Унинг дарсликлари нафақат ўзбек адабиёти тарихи, адабиёт назарияси, балки қадимги дунё тарихи, маданияти бўйича теран тасаввур уйғотиши, тиљшунослик, санъатшунослик, фалсафа каби фанлар бўйича чукур билимни ўзида жамлагани боис тасаввурни ойдинлаштириб, қўнгилга ёруғлик олиб киради. Буни инкор қилиш инсофизлисизлик, адолатсизлик, кўриниб турган ҳақиқатдан юз ўтиришдир. Натан Маллаев тузган дастур, мажмуаларнинг ўзбек адабиёти тарихи ёритишдаги ролини, аллома яратган дарсликларнинг ижтимоий-маданий ҳаётдаги аҳамиятини рад этиш кишининг виждонсизлигини билдиради. Чунки Натан Муродовичнинг дарсликлари, ўкув қўлланмалари ҳар биримизнинг ўзбек адабиёти билан яқиндан танишиш, уни ўрганиш, илм-билим, тарбия олишимизда муҳим таянч, мустаҳкам пойdevор бўлган. Дарсликлар, ўкув қўлланмалари ҳар бир кишининг дунёқарашини шакллантириб, унинг эзгулик ва ёвузликни идрок этишига кўмаклашишини эса ўтмиш ҳодисалари ҳам, бугунги кун воқелиги ҳам исботлайди. Аслида ҳам инсон оиласида, боғча ва мактабда кўриб ўргангандари, эшитиб билганлари таъсирида яхши ёки ёмон одам бўлиб етишади. “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслик, қўлланмалари бир неча авлоднинг яхши одам бўлиши, маҳбуб амаллар сари интилишига самарали таъсир кўрсатгани эса Натан Маллаев ўзбек маданияти, илм-фани равнақига салмоқли хисса қўшган сиймолардан бири, ўзбек халқининг чин дўсти эканидан далолат беради.

Баланд бўйи ва кўркам қадди-қомати ва жарангдор бўғик овозидан ҳамиша салобат, викор ёғилиб турадиган бу алломанинг дарсликда баён қилган вазмин, босиқ мулоҳазалари бирдан қўнгилни ёриштириб, фикрни теранлаштиради. “Ўзбек адабиёти тарихи”нинг икки-уч саҳифасини ўқигандәёқ бунга тўла ишонч ҳосил бўлади. Бу дарслик билан танишаётганда ҳар бир киши жуда кўп нарсани эслаб, ўзича мулоҳаза юритади. Ўшанда қўнглида янги фикрлар туғилаётганини пайқаб, ўз-ўзидан қувонади. Чунки у халқ оғзаки ижоди дурдоналари, қадимги битиклар, “Девону луготит турк”, “Кутадғу билик” каби кўхна ёзма манбалар, Навоий, Бобур асарлари аҳамиятини теранроқ идрок эта бошлайди. Олимнинг тумонат одамлар орасида ҳам алоҳида ажralиб турадиган салобатли бўй-бости, фикрини гулдураган овоз билан равон ва силлиқ баён қилиши ҳар кимнинг ҳам ҳавасини келтиради. Бунга урғу беришимизнинг сабаби шундаки, айримларнинг кўриниши, киёфаси, хатти-харакати негадир дабдурустдан ёқимсиз таассурот уйғотади ва шу таассурот кейинчалик ҳам ўзгаришсиз қолади. Чунки уларнинг туриши, ҳолатидан, совук тикилиб қарashiдан ҳамиша атрофдагиларга ғазаб, нафрат ёғилиб туради. Натан Муродович гапиришни бошлаганида ўз-ўзидан

International Conference on Research in Sciences, Education and Humanities

Hosted from Berlin, Germany

<https://conferencea.org>

January 5th 2022

хамма жим бўлиб қоларди. Барча унга тикилганча қараб ўтиарди. Улкан адабиётшуноснинг салобатли бўғиқ овоз билан ўқтам, баланд, жарангдор гапириши тарзи ҳар қандай сухандоннинг ҳавасини келтирас, сўзларидағи кўтаринки оҳанг, бир-бири билан мустаҳкам боғланган теран мантиқий мулоҳазалари тингловчиларни маҳлиё қилиб қўярди. Натан Маллаевнинг амирона ёқимли овозида содда самимият жаранглаб эшитиларди. Улуғ олим Аллоҳ берган мана шу фазилати билан ҳам ўзига замондош зиёлилардан кўп баланд бўлиб кўринарди. Унинг мулоҳазалари теран, аниқ ва муҳтасар эканлиги билан дикқатни тортарди. Чунки у аксарият адабиётшунослардан фарқли ҳолда, эътибор қаратилган мавзу моҳиятини ўзининг бир-бирига мустаҳкам боғланган мантиқий мулоҳазалари асосида тушунтириб берарди. У ширинсухан, майин, мулойим киши эмаслиги баробарида мунозара қилишни ҳам ёқтирасди. Натан Маллаев теварак-атрофга “Ҳаёт одамларнинг бошига кутилмаган мушқулликларни солади. У ҳаммани аёвсиз синовдан ўтказади” деб қараб тургандай туюларди. Бу улкан олим кўпинча аллақандай умидсизликка тушгандай, нималардандир норозидай, ҳаётдан кўнгли тўлмагандай, алланимадан хавотирланиб, ҳадиссираб турган одамдай кўринарди. Шу боисми, унинг мажлис-машваратда, аудиторияда янграган салобатли овози ҳаммани дабдурустдан сергак тортиради. Тингловчилар ич-ичидан унга тан бериб, у билан мунозара қилишга чоғи келмаслигидан хижолат чекарди. Талабаларидан бири, у аудиторияга тантанавор ва дардли бир алфозда кириб келар, машғулот мавзусини маълум қилиб, мулоҳазаларини баён қилишга киришганида дабдурустдан чехрасига бўғиқ салобатли овозига ярашадиган аллақандай масъум бир ифода қалқиб чиқар эди, деб эслайди. Бундай кишилар эса, одатда, одамларнинг гап-сўзини эшитаётгандай кўринади-ю, аслида бутунлай бошқа нарсалар тўғрисида хаёл суріб, нималардир тўғрисида ўйлаб ўтиради. Натан Маллаев эса ўзининг ана шу ҳолатини сездирмас, унинг қиёфаси, кўриниши, ўзини тутиши, сўзлаш тарзида туганмас шижаат, аллақандай салобат барқ уриб турарди. Ана шу фазилатлари ва яна бошқа омиллар уни кўп асрлик тарихга эга ўзбек адабиётининг юксак маърифатини ёрқин кўрсатишига муюссар этган, дегинг келади.

Олим дарслик, ўкув қўлланмалари ва бошқа тадқиқотларида жуда кўп бирламчи манбаларни таққослаб, таҳлил этиш орқали ўзбек адабиёти жаҳон адабиётидаги энг юксак маърифатли адабиётлари сирасига киришини асослаган эди. Шу боис унинг ёзганлари узоқ йиллардан буён барчанинг диққатини жалб этиб келди. Бу қизиқиши ҳеч бир сўниш, пасайишсиз ҳозир ҳам сақланиб турибди. Адабиётшуносликдаги ҳозирги мавжуд ҳолат ҳам Натан Маллаевнинг “Ўзбек адабиёти тарихи” капитал дарслик сифатидаги аҳамиятини келгусида ҳам йўқотмаслиги, аксинча унинг қадри янада ортиб бориши, у истиқболда ҳам шу йўналишдаги дарслик ва қўлланмаларни баҳолашда мустаҳкам мезон бўла олишидан далолат беради. Қайта ишланган учинчи нашри 42 босма табоқдан иборат 674 бетли ушбу муҳташам дарсликнинг ҳар бир саҳифасидан муаллиф ўзбек адабиёти узоқ тарихга эга ва бой адабиёт эканини кўрсатишини ўз олдига мақсад қилиб қўйгани яққол билинади. Дарсликда баён қилинган мулоҳазаларда, унда илгари сурилган қарашларда адабиётшунослик ва педагогиканинг энг муҳим хусусиятлари ўз аксини топгани ва уларда зукко адабиётшунос-педагогнинг ўткир нигоҳи муҳрлангани ўқувчиларни мамнун қиласди. “Ўзбек адабиёти тарихи”да муаллиф миллий маданиятнинг таркибий қисми тарихини ёритишида бирламчи манбаларга таяниб иш тутгани ва у жуда кўп материални ўрганиб текшириб чиққани, мавжуд илмий тадқиқотлар уни унчалик қаноатлантирмагани яққол аён бўлади. Бу муҳташам манбадан муаллиф ўзбек адабиёти тарихини ёритиши учун миясида талайгина режалар тузгани, мавжуд адабий-илмий манбалар унинг теран фикрлаши ва тарихнинг ўзига хос мураккабликларини тасаввур қилишига кенг йўл очгани, шу боис у дарслик устида чинакам иштиёқ ва ғайрат билан ишлагани ва натижада, “Ўзбек адабиёти тарихи” капитал дарсликка айлангани аниқ сезилиб туради. Натан Маллаевнинг мазкур муҳташам яратиғида давр адабиётининг ўзига хос хусусиятлари аниқ асослаб берилиб, манбаларнинг муҳим жиҳатлари исботлаб кўрсатилгани ва улардан чуқур мантиққа асосланган салмоқли хulosалар чиқарилгани унинг катта эпик истеъдодидан дарак беради. Шу боис у XX – XXI асрда Ўзбекистонда яратилган энг яхши дарсликлардан бири сифатида эътироф этилади.

International Conference on Research in Sciences, Education and Humanities

Hosted from Berlin, Germany

<https://conferencea.org>

January 5th 2022

“Ўзбек адабиёти тарихи”дек муҳташам тадқиқотни юзаки, сунъий, сохта, майда билим билан ёзид бўлмайди. Чунки бундай билим адабиёт тарихини кенг кўламда ёритиш, ундаги энг эътиборли асарларни алоҳида ажратиб, теран таҳлил қилишга имкон бермайди. Дарслик ёзиш эса одатдаги оддий, жўн иш эмас. Бундай масъулиятли ва муҳташам ишга қўл уриш учун кишининг маънавий ҳаки ҳамда катта билими бўлиши керак. Ўз-ўзидан аёнки, бундай одам бутун куч-қувватини сарфлаб, вижданан ишлайди. “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслиги ҳар қандай катта ишни бажариш учун киши ўзидаги қобилият, иқтидорни бир нуктага йўналтириши зарурлигига ёрқин мисол бўла олади. Муаллиф мазкур муҳташам яратиғида мусулмон Шарқ мумтоз адабиёти хусусиятларини ўзбек адабиёти тарихи заминида ёритади. Бир умрга татиидиган улкан мақсад билан яшаган аллома адабиётшунос ушбу дарслигида ҳар бир давр адабиёти манзарасини белгилайдиган ғазал, рубоий, туюқ, қасида, достонларга асарлардан жозиба излайдиган ўқувчи нигоҳи билан қарайди. “Ўзбек адабиёти тарихи”даги бир-бири билан боғлиқ шу каби кўпдан-кўп ижобий жиҳатлар уни умри узоқ тадқиқотлар қаторига қўшади.

“Ўзбек адабиёти тарихи” илк марта 1963 йилда босилиб чиқкан. У 1965 йилда иккинчи марта нашр қилинган. 1976 йилда эса дарсликнинг қайта ишланган учинчи нашри чоп этилган. Муаллиф ҳар бир нашрда дарсликни тўлдириб мукаммаллаштирган. Албатта, дарслик совет замонида ёзилгани учун унда шўро мағкураси акс этган. Муаллиф давр ижтимоий ҳаётини, ўша замон адабиётини ҳукмрон мағкура талаблари асосида талқин қилган. У ўзбек адабиёти тарихи предмети тўғрисида сўз юритар экан, жумладан: “Ўзбек адабиёти тарихи ўзбек ҳалқининг қадим замонлардан бошлаб ҳозирги кунга қадар яратган бадий адабиётини ўз ичига олади. Бу адабиёт бир-биридан тубдан фарқ қилувчи икки даврга: Улуғ Октябрь социалистик революциясигача бўлган давр ва Октябрь революциясидан кейинги даврга бўлинади. Октябрь революциясигача бўлган ўзбек адабиёти антагонистик синфий жамиятда вужудга келган, антагонистик синфий жамиятнинг зиддиятлари билан бирга яшаган адабиётдир. Бу адабиёт бир-бирига қарама-қарши бўлган оқимлардан, реакцион ва прогрессив оқимлардан – эксплуататорлар манфаатига ёки ҳалқ оммаси манфаатларига хизмат қилган оқимлардан иборатдир. Ўзбек адабиёти тарихи бир-бирига қарама-қарши бўлган адабий оқимларнинг кураши тарихидир” деган (Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб (XVII асргача). Қайта ишланган учинчи нашри. Университетларнинг филология факультетлари ҳамда педагогика институтларининг тил ва адабиёт факультетлари учун дарслик. – Тошкент: “Ўқитувчи” нашриёти, 1976. – 664 б. – 5-бет).

Эндиликда ғалати туюладиган, XXI аср кишиларининг ғашини келтирадиган бу каби мулоҳазалари учун муаллифни айбситиб, танқид қилиб бўлмайди. Чунки мустабид шўро даври мағкураси ижтимоий ҳаётни, ундаги маданиятни, санъат ва адабиётни шу тарзда тушунтиришни талаб этар эди. Шўро мағкураси инсон қалбан, маънан динга нисбатан ўзида эҳтиёж сезишини, дин инсоният учун керакли ва зарурий дастур бўлб келгани, у кишиларнинг дунёқараши шаклланиши, ҳар бир одам маънан-руҳан улғайиши, жамиятда ижтимоий муносабатлар юзага келишида муҳим асос, пойдевор эканини тамоман инкор қиласр эди. Натан Маллаев мана шундай серғалва замонда, “Дин – инсон учун афъюн. Дин – жамият учун заарли” деган ғояни байроқ қилиб олган совет салтанатида яшаган эди. Лекин у юксак истеъоддли инсон бўлгани боис зиддиятли воқеаларга, кескин қарама-қаршиликларга тўла замонаси унинг ҳаётни теран тушунишига тўсқинлик қилолмада, хусусан, адабиётга муҳаббат билан қарашига ғов бўлолмади. Шунинг учун у ўзи туғилиб ўсган мамлакат маданиятига, ундаги миллий адабиётга астойдил меҳр қўйди, Мовароуннаҳр замини тарихидаги ўзгаришларни зукколик билан идрок этиб, ўзбек адабиётидан англаган ҳақиқатларини саховат билан барчага тақдим этди. Натан Маллаевнинг бу йўлдаги шиҷоатга тўла саъй-ҳаракатлари, муттасил изланишлари самимиятга йўғрилгани, ўзбек ҳалқига чин муҳаббатни мужассамлаштиргани унга нисбатан барчада чукур хурмат хиссини уйғотди. Талабалар, ҳамкарабалари, зиёлилар унга аллома адабиётшунос дея эҳтиром билан қаради.

Миллий адабиёт тарихини ёритиш, тушунтириш жуда кўп манбаларни ўрганиш, турли материални текшириш ва қиёслаш ва шу асосда оғзаки, ёзма адабиётни ҳаракатга келтирувчи

International Conference on Research in Sciences, Education and Humanities

Hosted from Berlin, Germany

<https://conferencea.org>

January 5th 2022

омилларни аниқлаб кўрсатишни тақозо этади. Ушбу хусусиятларнинг барчаси мавжудлиги боис Натан Маллаевнинг “Ўзбек адабиёти тарихи” энг яхши дарслик сифатида эътибор қозонди. Чунки муаллиф унда давр адабиётининг ўзига хос хусусиятларини ижтимоий ҳаёт билан бевосита боғлиқ ҳолда таҳлил қилиб, асарларнинг мавзусига эътибор қаратади ҳамда уларнинг ғояси, бадиий жиҳатлари ва жанр хусусиятларини кўрсатади. Натан Маллаевнинг дарслигига давр адабиётининг манзарасини белгилайдиган асарларнинг умумий ва фарқли жиҳатлари бир неча мисолни тақдим этиш орқали асосланади. У ўзининг мана шу хусусиятига кўра ҳам бошқа дарслик ва кўлланмалардан ажралиб туради. “Ўзбек адабиёти тарихи”даги асарларнинг қиёсий таҳлиллари, мисолларга асосланган мулоҳазалардан чиқарилган теран хулосалар муаллиф ижтимоий давр воқелиги ва адабий жараённи донолик билан идрок этганини кўрсатади ҳамда у бадиий асарларни ҳар томонлама теран талқин қилганини ёрқин исботлайди. Дарслиқдаги адабий-бадиий жараён ва Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий, Бобур каби ижодкорлар асарлари таҳлили ва талқинида Натан Маллаев XX аср ўзбек адабиётшунослигининг чинакам алломаларидан бир экани яққол билинади. Муаллиф ўзининг ушбу яратиғида муайян давр адабиёти хусусиятлари билан ўша замон шоир, адиллари ижодини ўзига хос зукколик билан уйғунлаштиради. “Ўзбек адабиёти тарихи”да, шу турдаги аксарият нашрлардан фарқли ҳолда, сўз санъати намуналарига уларда умуминсоний қадриятлар қай даражада улуғланганидан келиб чиқиб ёндашилади ҳамда уларнинг ўша давр адабиётидаги ўрни кўрсатилиб, замонамиз учун аҳамияти ҳақида сўз юритилади. Муаллиф эътибор қаратилган ҳар бир бадиий асардан бир-бирини тўлдирадиган, бир-бирини бойитадиган шундай ибратли, шундай салмоқли, сермазмун хусусиятлар топадики, ўқувчилар ўз-ўзидан аллома адабиётшуноснинг синчковлиги ва зукколигига тан беради ва уларни хайриҳоҳлик билан маъқуллайди.

Натан Маллаевнинг мулоҳазалари теран мантиққа, ўзбек адабиётига нисбатан чексиз меҳрга йўғрилгани билан ўқувчини мафтун қиласи. Дарслиқда ўзбек адабиёти тарихига тааллуқли тадқиқотлар, диссертациялар аллома адабиётшуносни уччалик қаноатлантирумагани, шунинг учун у ушбу яратиғида бадиий асарларнинг асл манбасига асосланиб иш тутгани аниқ сезилади. Чунки у асарлардан олган завқ-ҳаяжонини, уларда ҳис қилган жозибани таъсирчан тарзда баён қиласи. Натан Маллаев ушбу дарслигига барчага: “Ўтмишни унутманг! Мумтоз адабиётни мутолаа қилинг! Аввал битилган асарларга бефарқ бўлманг!” деб мурожаат этгандай туюлади. Шу боис дарслик билан танишаётган киши ўз-ўзича: “Устознинг илми теран, бу маслаҳати ўринли. Ўзбек адабиёти чинданда бой ва ранг-баранг. Унда бир-биридан мазмундор асарлар кўп. Одам ҳаётда нима нарсаларни билиши, англаши керак бўлса, ўзбек адабиётини ўқиганида уларни бемалол билиб олади” деган хулосага келади. “Девони луготит турк”, “Кутадѓу билиг”, “Мухаббатнома”, “Хазойин ул маоний”, “Бобурнома” сингари асарлар бағрида яшириниб ётган фалсафий маънолар ушбу дарслиқда топиб тақдим этилгани ўқувчилар уни шунга ундейди. Бу эса муаллиф “Ўзбек адабиёти тарихи”ни шунчаки режадаги ишни адо этиб, топшириқни бажариш учун ёзмагани, бу дарслик аллома адабиётшуноснинг қалб қўри, ўзбек ҳалқига меҳри изҳори сифатида яратилганини билдиради. Натан Маллаев мазкур дарслиқда ўзбек адабиёти тарихи предмети, унинг тараққиёт босқичлари, ўзбек адабиёти тарихи ўрганилишининг ўзига хос жиҳатлари, ўзбек ҳалқининг бошқа ҳалқлар билан иқтисодий-маданий ҳамкорлик алоқалари, оғзаки ва ёзма адабиёт хусусиятлари, миф ва афсоналарнинг аҳамияти, улардаги образларнинг узоқ замонлардан буён яшаб келиши сири, меҳнат, маросим ва қаҳрамонлик қўшиқларининг мазмун моҳияти, қадимги ёзма ёдгорликларнинг тарихий-маърифий хусусияти ва адабий қиммати, давр маданий ҳаёти, замоннинг машҳур сиймолари фаолиятини чуқур билимдонлик билан тушунтиради. “Ўзбек адабиёти тарихи” мана шу жиҳатдан шу турдаги бошқа дарслик, кўлланма, монографиялардан анча устун туради. Айни дарслиқда Натан Маллаев юксак тафаккурга, кенг қамровли билимга эга аллома экани аниқ аён бўлади. Натан Маллаевнинг мавзуни танлаш, муаммони қўйиш ва унга ёндашиши замонавий дарслик, кўлланмаларни ёзиш учунгина эмас, глобаллашган XXI асрнинг юксак мезонларига мос диссертациялар тайёрлаш, монографиялар яратиш учун ҳам энг мақбул андоза бўла олади. Аллома

International Conference on Research in Sciences, Education and Humanities

Hosted from Berlin, Germany

<https://conferencea.org>

January 5th 2022

адабиётшуноснинг ушбу яратиғи ўзининг мана шу хусусиятига кўра ҳам XX аср ўзбек филологиясидаги капитал тадқиқотлар қаторида мустаҳкам ўрин эгаллади.

Алломанинг ўзбек адабиёти тарихи тўғрисидаги мулоҳазаларини, қадимги адабий ёдгорликлар, оғзаки ва ёзма манбаларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги фикрларини инкор этмоқчи бўлганлар зўриқиб, ўзини беҳуда овора қиласди. Чунки адабиётшуноснинг бу хусусдаги фикр-мулоҳазалари бир-бири билан мантиқан шу қадар мустаҳкам боғланганки, улар ҳар қандай хужумдан ўз-ўзини қаттиқ туриб, ҳимоя қиласди. Дарсликдан Натан Маллаев сингари зукко, истеъдодли инсонларнинг мулоҳазалари, қарашларида ҳамиша ҳаёт барқ уриб туриши ва уни мавҳ этиб бўлмаслиги англашилади. Натан Маллаевнинг айни дарслигидаги мулоҳазалар ўзининг теранлиги билан нафақат талабалар, балки барчанинг билим доирасини кнгайтириб, тасаввурини ойдинлаштиради. Пул ёки мансаб-марtaba учун эмас, эл-юрга хизмат қилиб, шон-шарафга эришиш учун адо этилган ишлар худди шундай таъсир кучига эга бўлади.

Натан Маллаев бўйи хўп баланд, гавдаси йирик киши эканлиги боис ҳайъатларда турганида ҳам, кўчада кетаётганида ҳам ҳаммадан ҳайбатли кўринар, ўзига маъқул фикрни эшитганида эса чехрасига болаларникига ўхшаган беғубор табассум қалқиб чиқар, шунда беихтиёр кўз ости билан атрофига ўқтин-ўқтин синчилаб қараб кўярди. У билан саломлашиб сўрашганлар ўзини худди энг катта бошлиғи, масалан, университет ректори билан гаплашишга мұяссар бўлганидан мамнун одам каби ҳис қиласди. Аллома адабиётшунос бошқалардан бўйи баландлиги, қадди-қомати салобатли экани, вужудида атрофидагиларга дабдурустдан таъсир ўтказа олиш қуввати борлигини пайқар, кимдир ўзи тўғрисида гапираётганини сезганида кўзлари порлаб, юзида хушнуд табассум ярқиради. Ўзи ҳақида баланд-паст, ёқмайдиганроқ гапларни эшитиб қолганида ҳам ҳар доимгидек бошини қуи солганча майин илжайиб кўярди. Унинг мана шу ҳолатидан ҳам кишининг хавасини келтирадиган аллақандай салобат, викор ёғилиб турарди. Чунки у ҳамиша қиёфасига қатъийлик ва жиддийлик муҳрланиб қолган одамдай кўринар, айни чоғда юзидан нимадандир ташвишланаётгани, норози экани билинарди. Аммо у айримларга ўхшаб ўзини салобатли кўрсатишга уринмас, атайлаб қиёфасига жиддий тус бериб, гердайганча қаққайиб турмас эди. Ундаги баланд ва кўркам бўй-бастига ярашган викор, салобат туғма эди. Унча-мунча кишини довдиратиб қўядиган бу улуғворлик унинг ички дунёсидаги ўзига бўлган ишончдан ва ақл-тафаккурининг теран жойидан озиқланадиган ҳар томонлама чукур билимидан сизиб чиқар эди. Бундай кишиларнинг аксарияти эса Шарқ ва Ғарб маданиятидан хабардорлиги ва инсон ҳаётининг мазмуни тўғрисида муттасил мушоҳада юритолгани туфайли ўзидан қуи даражадаги одамларга нисбатан меҳрибон бўлишни, ўзидан юқори турадиганлар билан нозик муомала қилишни ўрнига қўйишади ва шунинг баробарида эътибор, иззатга, шон-шуҳратга андак ўч бўлишади. Табиатан калтафаҳмлиги боис ўзига бино қўйган кишилар қанчалик сўзамол, нотик бўлишмасин, “Ўзбек адабиёти тарихи” муаллифининг билими ҳар томонлама теран, табиатан заковатли, зукко инсон эканини ҳамиша тан олар, юзма-юз туриб, очиқласига эътиroz билдириб, у билан мунозара қилишга юраги дов бериб, ботинолмас эди. Натан Муродович чин аллома, доно инсон бўлганлиги туфайли уни эслаш, хотирлаш ҳам кишига аллақандай хузур бағишлиади.

Шон-шуҳрат, мансаб-марtabага интиладиган кишиларнинг бошқалардан фарқли жиҳатларидан бири шундаки, кимнингдир ясама, сунъий бўлса-да, хушомад қилиши, мақташи уларга хўп ёқади. Улар бундан ғоят хурсанд эканлигини яшириб ҳам ўтиришмайди. Натан Маллаев эса табиатан сезгир, эҳтиёткор эканлигидан эътибор ва эътирофларга бепарводай кўринар, аниқроғи, бу ҳолатга муносабатини сездирмас, аксинча нимадандир мудом ташвишланаётгандай, бегонасираётгандай бир алпозда турарди. У Шарқ ва Ғарб маданиятини ўзлаштирган инсон сифатида ҳеч қачон бирорвонинг гапини бўлмас, аксинча талabalар ёки ҳамкаслари яна бирор нарса дейишини кутиб ўтиради. Бу ҳам алломаликнинг бир белгиси эканини ҳеч ким инкор қилолмайди. Агар у аллома бўлмаганида “Ўзбек адабиёти тарихи”дек капитал дарслик яратолмас ва бу яратиқ яrim асрдан кўпроқ вақтдан бери барчанинг эътиборини қозонмас ва шунча пайт эъзозлаб келинмас эди. “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслиги сахифалари у бутун борлигини ўзбек адабиёти тарихини

ёритишга бағишилаган, ақл-тафаккурини тұлалигича шу улуғ ишга йўналтирган фидойи инсон, заҳматкаш адабиётшунос-педагог бўлиб яшаб ўтганидан гувохлик беради.

Натан Маллаевнинг кўз ости билан синчилаб қарашлари, баҳс-мунозараларни жимгина тинглаб туришлари, муайян муаммога муносабат билдириб, бўғик салобатли овозда сўзлашлари ҳар қандай одамни дарҳол сергак тортириб, бир зум бўлса-да, чўчитиб қўярди. Унинг бу пайтдаги холати сўзловчилардан бирортасининг мулоҳазаларидан қаноатланмаётгани, баҳслашаётганларнинг фикри, қарашлари жуда юзаки эканини айтишдан истихола қилиб, ўзини зўрга тутиб тургани, мунозара иштирокчиларидан аксарияти мавзуга доир манбалар билан танишиб чиққанига ишонмаслигидан сўзларди. Олимнинг улкан шахсларга хос қатъият, виқор билан осойишта туришидан шундай маъно англашиларди. Адабиётшуноснинг юз-кўзи, кишининг ҳавасини келтирадиган виқор, салобат билан туришидан узоқ йиллик муттасил ақлий меҳнат натижасида мулоҳазаларини изчил мантиқ асосида ифодалашга одатлангани, салобатли овозда гапириши, у сўзлаётганида аудитория, хона сукутга чўмиши, атрофдагилар ҳамиша унга ҳурмат билан қарashi, мактаб ва олий ўқув юрти учун ёзган дарсликлари қайта-қайта нашр қилиниб, тадқиқотлари доим эътибор қозонганидан ғурурланиши сезилиб туради.

Дарслик, ўқув қўлланма ва тадқиқотлари билан адабиётшуносликнинг мавқеини оширган Натан Маллаев ўзининг кўп йиллик илмий-педагогик фаолияти билан донишмандлар миллат танламаслиги, улар учун умуминсоният маданияти равнақи, илм-фани ривожи учун сидқидилдан хизмат қилиш қисмат қилиб белгиланганига ёрқин мисол бўла олади. Ўзбек адабиётшунослигига шараф келтирган алломалар қаторидан мустаҳкам ўрин олган бу улкан олимнинг кўзига изланувчан, тиришқоқ талабалар оловдай кўринар, улар билан гаплашиб, сухбатлашишдан мароқланар эди. Камтар, хокисор, камсукум, қизиқувчан, интилувчан талабалар, тадқиқотчилар билан дилдан самимий сухбатлашаётганида унинг ўзбек ҳалқи соддалигига, бу юрт одамлари ишонувчанлигига ҳурмати жўшар, ўзбек адабиётида бу элнинг ана шу хусусияти акс этганига ишончи ошар, бу заминга меҳри, муҳаббати ортарди. У билан яқин бўлишга интилган, ўзи ёқтирган талабалар, ҳамкасабалари билан гаплашаётганида доим тунд, алланимадан норози кўринадиган чехрасида жозибадор табассум пайдо бўлар, бундан у ўзи ҳурмат қиласларни эъзозлаши аён бўларди. Бундай пайтларда олим шу гўзал оламда, шундай ажойиб юртда яшаётганидан кайфияти чоғ, хурсанд одамдай кўринарди. Ўша кезларда унинг баланд бўй-басти, адл қадди-қомати янада улуғворлашгандай атрофдагиларда кучли таассурот уйғотарди. “Ўзбек адабиёти тарихи”ни ўқиганлар ўшанда беихтиёр: “Бу муҳташам дарслик муаллифи замондошларига ва келгуси авлодларга “Ўтмишга қараб, келажак тўғрисида муҳокама юритинг. Ҳар бир ҳалқнинг борлиги, ахволи унинг адабиётида акс этади. Миллий адабиёт ҳалқнинг дунёқараши, интилиши ва имкониятини бамисоли барометр бўлиб кўрсатиб туради” деган бўлса, ажаб эмас” деб ўйланиб қолади. Аксарият адабиётшуносларнинг ҳаёлида кечадиган ана шундай ўй-фикр боис кўпчилик зиёлилар “Ўзбек адабиёти тарихи” муаллифига ҳамиша чуқур ҳурмат билан қарар эди. Бунга яна бир сабаб, Натан Маллаевнинг ўзбек мумтоз шеърияти намуналари, айниқса, Навоий ва Бобур шеърларини фавқулодда таъсирчан ва ифодали қилиб ўқиши эди. У “Хамса”, “Хазойин ул маоний”, “Бобурнома” муаллифлари ижодига бағишиланган телекўрсатувларда бот-бот иштирок этар, аллома адабиётшуноснинг “Кеча келгумдир дебон...”, “Сочининг савдоси ...” каби ғазалларни ўқиши хаммага манзур бўлар, унинг бўғик, салобатли овози барчанинг қалбини тўлкинлантириб юборар эди. Чунки алломанинг забардаст овози Шарқ шеъриятидаги мунг, изтиробни янада кучайтириб тақдим қилар, у ёддан ўқиётганида Навоий, Бобур шеърлари қалбларни янада кўпроқ жалб этарди. Бундай хусусият эса ҳамма зиёлиларда эмас, балки адабиётда улуғланган эзгу амалларни қалбига сингдирган, маънавий баркамол, барчага яхшилик қиласларни, ақлли, одобли, олижаноб одамларда кузатилади. Аёнки, олижаноб одамларнинг ҳеч бири санъатга бефарқ қарамайди. Уларнинг аксарияти, қайси соҳада фаолият кўрсатиши, касб-коридан қатъи назар, адабиётни эъзозлаб, шеъриятга муҳаббат билан қараб, ундан завқланиб, тақдир зарбаларини енгиш, турмуш тўсиқларидан ошиб ўтиш учун ўзида куч топиб яшайди.

International Conference on Research in Sciences, Education and Humanities

Hosted from Berlin, Germany

<https://conferencea.org>

January 5th 2022

Натан Маллаев тузган дастур, мажмуалар, у яратган дарслик, қўлланмалар, рисолалар ўзбек адабиёти тарихидан кенг маълумот беради. Улар, шунинг баробарида, миллий маданият тарихини ўрганишда мустаҳкам таянч бўла олади. Атоқли адабиётшуноснинг бу йўналишдаги меросидан нафақат миллий адабиёт тарихи, балки миллий маданият, санъат тарихини ёритишда нима қилиш, қайси жиҳатларга эътибор бериш керак, деган саволларга ҳам ҳар томонлама қаноатланарли жавоб топса бўлади. Шунинг учун филолог, журналист, санъатшуносларнинг бу улкан олим илмий мероси билан танишиб чиқишиларни жуда хоҳлар эдим. Аллома адабиётшуноснинг дарслик, ўқув қўлланмаларида, Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Абдураҳмон Жомий каби Шарқ мутафаккирлари ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги мақолаларида, “Низомий Ганжавий мероси ва унинг маърифий-тарбиявий аҳамияти”, “Асрлар эътирофи ва таъзими” каби тадқиқотларида Шарқ шеърияти ижтимоий турмушнинг турли муаммолари билан бевосита боғлиқ ҳолда таҳлил қилингани шундай даъват учун тўла асос беради. Олим Алишер Навоий, Бобур каби ўзбек адабиёти намояндлари ижоди теран фалсафага йўғрилгани тўғрисида мароқланиб мулоҳаза юритади. Бу хусусдаги мақолалар, рисолалардан аллома адабиётшуносни “Хазойин ул маоний”, “Хамса”, “Бобурнома” доим мутаассир килиб, илҳомлантириб келгани яққол билинади. Натан Маллаев нафақат ушбу, балки ўзбек мумтоз адабиётининг бошқа намуналарига ҳам бўлакча меҳр билан қарайди ва уларда кўпдан-кўп жозибадор бадиий-маърифий хусусиятлар мавжудлигини зукколик билан топиб кўрсатади. “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Алишер Навоий ва халқ ижодиёти”, “Сўз санъатининг гултожи” Натан Маллаев ҳаётда шунчаки муаллим эмас, балки фидойи устоз, заҳматкаш адабиётшунос бўлиб яшагани, шу боис унинг ёзганлари адабиётшунослик дурдонасига айланганидан далолат беради. “Гениал шоир ва мутафаккир”, “Навоий ижодиётининг халқчил негизи”, “Сўз санъатининг гултожи” ҳам бунинг аниқ исботи бўла олади. Адабиёт ҳаётининг ажралмас таркибий қисмига айланган истеъоддли инсонгина шундай теран илмий-маърифий қимматга эга салмоқли тадқиқотлар яратади. Улкан олимнинг илмий-ижодий мероси унинг заҳматкаш ўзбек халқига, унинг бебаҳо адабиётига самимий муҳаббати ва муттасил меҳнати мевасидир. Бу ажойиб мерос ўзбек мумтоз адабиёти чинакам маънавият олами, унинг шеърияти ўхшаши йўқ маърифат бўстони эканини намоён этади. Натан Маллаев қаламига мансуб ишларнинг қадр-қиммати ва аҳамияти аввало шу билан белгиланади. Мазмуни вақт ўтган сари теранлашиб борадиган, салмоғи асло сўнмайдиган мазкур мерос унинг ижодкори адабиёт ва санъатга инсоният нажоткори деб караганини намоён этади.

“Ўзбек адабиёти тарихи”, “Гениал шоир ва мутафаккир”, “Сўз санъатининг гултожи” мазмунига кўра мавжуд фактларни маълум қилиш усулида битилмагани, аксинча теран таҳлилга асослангани билан эътиборни тортади. Улар муаллиф ушбу тадқиқотларини яратиш учун астойдил тер тўкиб, меҳнат қилгани, у аксарият одамлардан фарқли ҳолда, ғийбат, гина-қудуратларга ўралашиб қолмасдан адабиёт, маънавият-маърифатнинг инсон ҳаётидаги ўрни хусусида муттасил мушоҳада юритиб яшаганидан хабардор қиласи. Шу боис Натан Маллаевнинг “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Низомий Ганжавий мероси ва унинг маърифий-тарбиявий аҳамияти” ва бошқа тадқиқотлари, орадан анча вақт ўтганига қарамасдан, барчага бирдай манзур бўлиб келади. Ишонаманки, “Натан Маллаевнинг ёзганлари ичида энг заифи қайси?” деган савол ўртага ташланса, ҳамма жавоб беролмасдан иккиланиб қолади. Негаки алломанинг дарслик, қўлланма, монографияларида мавзу шу қадар чуқур ёритиладики, улар сассиқ савол кимсаларни ҳам оғзини ёпиб, жимгина ўтиришга мажбур қиласи. Бу адабиётшуноснинг битиклари теран мулоҳазаларга асослангани боис эзгу ниятли кишиларни беихтиёр фикрдошга айлантиради. Бу унинг ўзбек адабиёти тарихини ёритишдаги хизматлари асло унтилмаслиги, ҳамиша яшовчанлигига етарли асос бўла олади. Алломанинг илмий-ижодий меросига дўстона муносабатда бўлганлар доим фойда, ўзига наф олишади ҳамда, албатта, “Ўзбек адабиёти тарихи” шу йўналишдаги бошқа дарслик, қўлланмалардан кўра чандон афзал деган қатъий тўхтамга келишади. Улар шу аснода ўз-ўзидан 1948 йилда Мақсад Шайхзода раҳбарлигига “Шермуҳаммад Мунис ҳаёти ва ижодий мероси” мавзусида

International Conference on Research in Sciences, Education and Humanities

Hosted from Berlin, Germany

<https://conferencea.org>

January 5th 2022

номзодлик диссертацияси ёқлаган тадқиқотчи ғоят ақли ва истеъдодли инсон эканини англаб етишади ва беихтиёр унга ҳурмати, эҳтироми ортади.

Ўзбек мумтоз адабиётидан баҳра олганлар, Навоий, Бобур каби ижодкорлар асарлари мағзини чакқанлар чинакам эҳтиром билан қўлини кўксига қўйиб, кейин “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслигини қўлига олишади. Чунки улар ушбу дарслиқдаги адабиёт, маданиятга ижтимоий-синфий ёндашувлар ва улар туфайли келиб чиқсан камчилик, нуқсонлар учун Натан Маллаев эмас, мустабид совет мағкураси айбдор эканини яхши тушунишади. Шунинг учун уларга ўзбек адабиёти тарихи бўйича ёзилган барча дарслиқ, қўлланмалар Натан Маллаевнинг “Ўзбек адабиёти тарихи” олдида бир қадар жўн, ибтидоий бўлиб кўринади. Мазкур дарсликнинг мазмун-моҳиятини англаган, қадрлаган кишиларга ҳётдан аллақандай муҳим ниманидир излаётгандай доим маъюс, хаёлчан, ўйчан юрадиган Натан Маллаев илмий-ижодий меросининг янги жозибали жиҳатлари очилиб бораверади. Аксарият китоблар эса бир марта вараклаб чиқилганидан кейин кўпинча кўздан нарироққа ташлаб қўйилади. Уларнинг мазмуни саёз ва жўнлиги кишини шунга мажбур қиласди. Натан Маллаевнинг “Ўзбек адабиёти тарихи”да эса энг яхши дарслиқ, энг яхши монография, энг яхши мақола, энг яхши рисолаларга хос жозиба ҳамиша барқ уриб туради. Ундаги мулоҳазалар мазмунан теранлиги, ўринли ва тиниқ таққослашга асослангани билан доим кучли таъсир кўрсатади. Шунда ўз-ўзидан кўнгилда: “Чиндан-да, ажойиб китоб” деган таассурот туғилади. Дарсликни ҳар гал қўлга олганда бу таассурот қайта қувватланиб, янада кучаяди. Негаки унинг саҳифаларидан муаллифнинг ҳаяжони, ўзбек адабиётига эҳтироми, муҳаббати уфуриб туради. Дарслиқдан яна бир муҳим ҳақиқат – ҳар бир ишда, айниқса, илмий-ижодий ишда ҳаяжонсиз, иштиёқсиз олға силжиб бўлмаслиги, хусусан, адабиётшунослиқда дурустроқ ижобий натижага эришиш мумкин эмаслиги ойдинлашади. Барча кишиларга, айниқса, филологлар, хусусан, ўзбек мумтоз адабиёти бўйича мутахассисларга “Ўзбек адабиёти тарихи”ни ҳар гал қўлга олиш ўзига хос қувонч бағишлайди. Чунки у ҳар сафар қандайдир янги фикр тақдим этиб, албатта, фойда беради, қалбни тўлқинлантиради. Бу эса мазкур дарслик ўқилиши билан маъноси тугаб битмайдиган, мазмуни кизиқишини сўндиримайдиган китоблар сирасидан эканлиги билдиради.

Энг қадимги замонлардан то XVII асртагача бўлган ўзбек адабиёти тўғрисида муҳим маълумотлар тақдим этилиб, “Девону луғотит турк”, “Қутадғу билик” сингари кўхна ёзма ёдгорликлар мазмун-моҳияти муҳтасар ёритилган, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Аҳмад Яссавий, Хоразмий, Кутб, Сайфи Саройи, Дурбек, Ҳайдар Хоразмий, Атойи, Саккокий, Лутфий, Алишер Навоий, Бобур сингари сўз санъати намояндалари ҳаёти ва ижоди тўғрисида тўлиқ маълумот берилган мазкур дарслик ўзбек мумтоз адабиёти тарихи билан таништириш баробарида, ҳар бир кишининг муайян ижтимоий давр хусусиятлари, адабий жараён ўзгаришлари тўғрисидаги тасаввурини теранлаштиради, инсоният ҳаёти мураккабликлари тўғрисидаги билимини бойитади. Дарслиқда яна анча-мунча фазилат, хусусиятлар мавжудки, билдирган фикрларимиз у ҳақда биз айтмоқчи бўлган гапларнинг ҳаммасини қамраб ололмайди. Ўзбек адабиёти тарихининг дарслиқда ёритилган хусусиятлари тўғрисида батафсил сўз юритилса, Натан Маллаев даражасидаги аллома яна шундай муҳташам китоб битишига тўғри келади. Дарслиқдан унинг саҳифаларини нурлантириб турган теран билимга муаллиф ўз касбига астойдил меҳр қўйгани, ўзбек ҳалқига, унинг маданияти, адабиётига чин муҳаббат билан қарагани ва заҳмат чекиб муттасил меҳнат қилгани эвазига эришгани яққол сезилади. Буни инкор қиладиганлар, албатта, ўзларича ҳақлика даъво қилишади. Аммо улардан бирортаси шу дарсликка монанд бир саҳифа нарса ёзишга уриниб кўрса, Натан Маллаев беҳад машаққатли меҳнатни зиммасига олгани ва уни шараф билан адо этганини, албатта, тушуниб етади. Мазкур муҳташам дарслик, юқорида қайд этилганидек, бир умрга татийдиган юксак мақсад билан яшаган муаллиф қўл урган ишига сидқидилдан киришгани, шунинг учун унинг мулоҳазалари бир-бири билан мантиқан боғланиб келгани ва улар содда ва тушунарли тарзда ифодалангани боис дарҳол диққатни жалб қилишини аён этади. Шундай экан, ҳар бир филолог, айниқса, адабиётшунос бу ноёб хазинадан ўзини муттасил баҳраманд этиши керак. Чунки мазкур дарслик ҳар гал мутолаа килинганида, албатта, кучли таъсир қиласди ҳамда аввалги таассуротларни янада мустаҳкамлайди.

International Conference on Research in Sciences, Education and Humanities

Hosted from Berlin, Germany

<https://conferencea.org>

January 5th 2022

Филолог мутахассислар, олий ўқув юртинг филология факультети талабалари ва кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган “Ўзбек адабиёти тарихи” китоби 2021 йилда “Kafolat print company” корхонаси нашриётида босилиб чиқди. Филология фанлари доктори, профессор Ҳамидjon Ҳомидий ва филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент Озода Тожибоева бир неча авлод баҳраманд бўлган мазкур муҳташам дарсликни аллома адабиётшунос Натан Муродович Маллаев таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан нашрга тайёрлашди. Улар “Ўзбек адабиёти тарихи”ни унга замона зайди билан кириб қолган ортиқча нарсалардан тозалаб, жавоҳирга айлантиришди. Энди унда талабчан замондошларимизнинг ғашини келтирадиган бирорта тугун, нуқта кўринмайди. У энди келгуси авлодларнинг ўзбек мумтоз адабиётига қизиқишини кучайтиради. Бу дарслик ўтмиш маданиятимиз тўғрисида барчага кўп маълумот бериб, ҳар бир кишининг кўнглидаги фикрларини ойдинлаштиради. Натан Маллаев ўзининг дарслик, қўлланма, мажмуя, монография ва мақолалари билан нафақат адабиётшунослигимиз, балки бадиий адабиётимиз равнақига ҳам самарали таъсир кўрсатди. У ўзининг адабиётни англаш, бадиий асарларни таҳлил қилиш, тушунтириш истеъдодини суиистеъмол қилмасдан, ўзбек адабиёти тарихининг энг ёрқин жиҳатларини ҳассослик билан ёритиб берди. Унинг ёзганлари жуда енгил ўқилади. Шу боис филологларгагина эмас, барчага бирдай хуш ёқади.

Маълумки, дарслик, ўқув қўлланмалар мавжуд тадқиқотлар асосланиб тайёрланади. Уларда илм-фанда эришилган натижалар умумлаштириб, тақдим қилинади. Бунинг учун эса жуда кўп манба билан танишиб, турли материалларни таққослаб ўрганишга тўғри келади. Бундай машаққатли меҳнатни адо этишга унча-мунча одам дош бермайди. Дарсликнинг оғир “юқ”ини кўтаришга азал-азалдан камдан-кам киши мұяссар бўлиб келади. “Ўзбек адабиёти тарихи” эса Натан Маллаев илдизи олис ўтмишга бориб боғланадиган ўзбек адабиёти тарихининг оғир “юқ” ини дадил туриб кўтарганини аён этади. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун дарсликнинг исталган саҳифасига шунчаки кўз югуртириб чиқиш кифоя қиласи. Чунки дарсликда муайян давр ижтимоий ҳаёти, ундаги адабий жараён хусусиятлари турли манбалардаги тарихий маълумотлар асосида тавсифланади. Шундан кейин ўша даврда из қолдирган ижодкорлар ҳаёти ва фаолияти билан таништирилади. Бунинг учун дастлаб ижодкорнинг фаолияти ва меросини ўрганиш тарихи тўғрисида батафсил маълумот берилади. “Ўзбек адабиёти тарихи”нинг ушбу ўринлари муаллиф астойдил машаққат чекиб меҳнат қилгани, бу дарсликни яратиш истаги унинг бутун онг-шуурини эгаллаб олгани, бу ишга у муқаддас деб қараганини аён этади. Аксарият бадиий, илмий асарлар, дарслик, қўлланма, монография, мақолаларни ўқиётганингда чийратма, чалкаш жумлалар, олифта иборалар ва мавҳумлик меъдага тегиб асабийлаштиради. Натан Маллаевнинг ёзганларида эса фикр тиниқлиги, ифода аниқлиги, таҳлил теранлиги, салмоқли хулоса ярқираб туради. У сўзга эҳтиёткорлик билан ёндашади, исроф қилмайди, сўзларни одамларга манфаат келтирадиган, уларга малол келмайдиган, ғашлантирумайдиган тарзда қўллайди. Шунинг учун “Ўзбек адабиёти тарихи” ҳар гал қўлингга олганингда у аввалгидан кўра кўпроқ боғлаб қўяди, олдин ўқиганимда шу жойларига эътибор бермаган эканман-да, деб ўйлантиради ва кўнгилда янги фикрлар уйғотиб севинтиради. Бу эса дарсликда мавзуу кенг кўламда қамраб олингани, муаммога жиддий қаралгани, у хусусда теран мантиқий мулоҳаза юритилгани ва унга муаллиф қалб ҳароратини сингдирганидан келиб чиқади. “Ўзбек адабиёти тарихи” мантиқий фикрлаш ва уни содда, тушунарли тарзда ифодалашнинг ажойиб андозаси бўла олади. Нима дейилмоқчилигини тушуниб бўлмайдиган битиклар эса “илмий – назарий” деб қанча мақталмасин, маъноси мавхум, кир нарса бўлиб қолаверади. Улар ҳеч қачон одамларга наф бермайди. Адабиётшунос, тилшунос нима тўғрисида ёзмасин, унинг фикри барчага тушунарли, содда ва аниқ бўлиши, матн сифатида ҳеч кимни ғашлантирумаслиги керак. Шундагина у соғлом ва ҳалол саналади

Дарсликдаги Навоий, Бобур ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар, ўз-ўзидан аён, ҳар бир кишининг кўнглида муаллифга нисбатан чукур хурмат ва эҳтиром ҳиссини уйғотади. Мана шу таъсирнинг ўзиёқ “Ўзбек адабиёти тарихи” муҳим амалий аҳамиятга эга эканлиги, у кишиларни фаолиятга чорлашини билдиради. Муаллиф ушбу дарслигига Аҳмад Ясавий, Лутфий, Навоий

сингари сиймолар халқнинг ғам-ташвишини ўйлаб қийналгани, хукмдорлар, амалдорларнинг шахсий манфаати, ўз майшати йўлида одамларни алдаб, зулм ўтказишидан азобланиб яшагани билан яқиндан таништиради. Муаллифнинг бу хусусдаги мулоҳазаларида у эзгуликни дилдан севиши билиниб туради. Чунки у айни фикрларини эҳтирос билан жуда таъсирчан тарзда ифодалайди. Дарсликнинг худди шу ўринларида муаллифнинг табиатида имон-эътиқодли ҳар бир одам учун зарур бўлган инсонпарварлик ҳисси, самимийлик ва жиддийлик фазилати чуқур ўрин олгани аниқ кўринади. Натан Маллаев аксарият адабиётшунослардан фарқли ҳолда, эътибор қаратилган муаммо хусусида жиддий фикр юритади ва турли фактларни таққослаб, мавзу юзасидан теран хуласа чиқаради. Айрим муаллифлар бирор муаммо мухокама этилаётганида такаббурлик билан кетма-кет савол беришни бошлаб, аллақандай мавхум киноялар қиласди, истехзога тўла ибораларни қаторлаштириб пичингга йўғрилган кескин хукмлари билан кўпчиликнинг кайфиятини бузади, ўзаро фикр алмашинаётгандарнинг дилини хира қилиб, даврадагиларни нокулай ахволга солади. Натан Маллаевнинг илмий-ижодий меросида эса бундай иллат, нуқсон асло сезилмайди. Ўзбек халқи қадим маданиятга эга эканлиги, унинг адабиёти тарихи бой, мазмундор ва инсонпарварлик руҳига йўғрилганини ёритиб бериш Натан Маллаев дарслигининг марказида туради ва унинг асосий гоясини белгилайди. Бу унда тақдим қилинган хуласаларда ёрқин намоён бўлади. Муҳташам дарсликнинг ҳар бир сахифаси муаллифнинг теран фикрлашидан, у аллома инсон эканлигидан нишона беради. Ундаги бир-бирининг узвий давомига айланган мустаҳкам мантиқий фикрлар муаллифнинг миясига қандай келгани кишини ҳайратга солади. Бу эса ушбу дарсликнинг бугунги кундаги қадри ва келгусидаги аҳамиятини белгилашда муҳим омил бўла олади. Айни китоб теран фикрларга тўла бўлгани боис у ҳақда бир-бирини тасдиқлайдиган, бир-бирини тўлдирадиган шу каби ёқимли таъриф-тавсифлар кўнгилга қуишлиб келаверади. Ўзида Шарқ адабиётшунослигидаги илми аруз, илми қофия, илми бадеъни, манбашунослик, матншунослик, тарих, фалсафа, мантиқ илмини мужассамлаштирган “Ўзбек адабиёти тарихи” ҳар доим иштиёқ билан ўқиласди, унинг саҳифалари ўқишни бошлаш билан кишини ўзига тортиб кетади. Улардаги фикрлар содда ва тушунарли ифодалангани, умумлаштирувчи мазмунга эга эканлиги билан одамга хуш ёқади. Дарсликдаги Хоразмий, Қутб, Сайфи Саройи, Дурбек, Ҳайдар Хоразмий, Атойи, Саккокий, Лутфий, Навоий, Бобур шеърияти тўғрисидаги таҳлилий мулоҳазалар Шарқ мумтоз адабиёти мавзу доирасининг ўзига хослиги тўғрисида ўйлантиради. Чунки мусулмон Шарқ мумтоз адабиёти, жумладан, ўзбек мумтоз адабиётида маъшуқа, маъшуқнинг қадди-қомати, юзи, кўзи, қоши, сочи, либоси, юриш-туриши, хатти-харакати, қараашлари, имо-ишоралари гўзаллиги, кўркамлигини таърифлаш, мадҳ этиш узоқ замонлар давомида асосий мавзу бўлиб келади. Мусулмон Шарқ шеъриятида узоқ асрлар мобайнида устувор бўлиб келган, барча шоирлар ижодининг асосини ташкил этадиган бу анъанавий мавзу марказида гўзалликда ягона, соҳибжамолликда танҳо маъшуқанинг бевафолиги, ваъдасида турмаслиги, аҳдига амал қилмаслиги, маъшуқнинг рақибларига юзланиб, илтифот кўрсатиши, уларга хайрихохлик билан қарashi, маъшукаси васлига этиш ниятида ўт бўлиб ёнган, жонидан кечишга тайёр турган садоқатли ошиққа муттасил жабру-жафолар қилиб, ҳижрон азобига ташлангани баёни туради. Бу бир хиллик эса материалистик дунёқараш билан яшайдиган глобаллашув даври одамларига унча хуш келмайди, уларни қаноатлантирумайди. Мусулмон Шарқ мумтоз шеърияти, унинг ажралмас қисми ўзбек мумтоз шеъриятида бевафо ва жафокор маъшуқа гўзаллигининг муболағали мадхи, севги-муҳаббат бобида садоқатли, маъшукасининг илтифоти, меҳри, лутфидан маҳрум, висолга ташна ошиқ аҳволи таърифи асримиз одамлари учун ғоят чучмал, баландпарвоз, ялтироқ, сунъий бўлиб туюлади, уларни ғашлантиради. Айни ҳолат ўтмишдаги аждодлар ва ҳозирги одамлар дунёқарashi, дидидаги туб ўзгаришлар адабиёт ва санъатни англаш, тушуниш, унга ёндашишдаги кескин фарқли жиҳатлардан келиб чиқади. Барча муаллифларнинг эмас, вужудидан викор, овозидан салобат, юз-кўзи, қараашларидан файз ёғилиб турадиганларнинг фикри, қараашлари маърифати шундай таъсир кучига эга бўлади. Чунки юксак маънавият, теран заковат эгалари битган китоблар борлиқ ҳодисалари тўғрисида билим беришдан ташқари, хаётнинг маъносини англашга кўмаклашади, кўп ҳақиқатлар юзага чиқишига сабабчи бўлади. “Ўзбек адабиёти тарихи” бунга ёрқин

International Conference on Research in Sciences, Education and Humanities

Hosted from Berlin, Germany

<https://conferencea.org>

January 5th 2022

мисол бўла олади. Натан Муродович Маллаевнинг мазкур дарслиги таъсирида ўзбек адабиётшунослиги бир қадам бўлса-да, олға босганини ҳеч ким инкор этолмайди. Бу муҳташам тадқиқотнинг айни жиҳатидан кўз юмиш кўрнамаклик бўлади. Чунки мазкур дарслик ҳар қандай ўқувчига ўз таъсирини ўтказиб, билимини оширади. У ҳам мазмуни, ҳам шаклига кўра ўзига хос ёрқинлиги билан эътиборни тортади. Шу боис бир неча авлод баҳраманд бўлган, ҳозир ҳам аҳамияти асло пасаймаган “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслиги муаллифи Натан Муродович Маллаев хотирасига эҳтиром кўрсатиш инсоний бурчимиздир.

Муаллифлар ёзган нарсаларидан яхши ёки ёмон одам бўлади, дейишади. “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслиги эса кўпчиликка ёқади. Ундаги теран мулоҳазалар Натан Маллаев аллома адабиётшунос, самимий инсон бўлганини тўла тасдиқлайди. Бу дарсликни ўқиганлар беихтиёр “нақадар яхши!” деб қўяди ва, албатта, хурсанд бўлади. Агар натижа аксинча бўлса, билсинки, унинг тафаккур даражаси дуруст эмас. Шунинг учун у аниқ, равshan баён қилинган фикрлардан таъсирланмайди. Чунки уларни етарлича тушунмайди. Бу унинг қалбида теран мантикий мулоҳазаларга эҳтиёж йўқлигидан келиб чиқади. Табиатида мантикий мушоҳадага интилиш мавжуд киши “Ўзбек адабиёти тарихи” муаллифнинг қалбидан отилиб чиққанини, албатта, ҳис этади. Шунинг учун ҳам у бу дарсликни ҳамиша эъзозлаб қадрлайди, ундан олган кечинма, туйғуларини қайсиdir тарзда ифодалагиси келади. Бу фақирнинг ёзганлари ҳам ана шу завқ-шавқ, таъсирланиш натижасики, аксарият ўқувчилар бу ҳақиқатни дарҳол сезади. “Ўзбек адабиёти тарихи” “капитал дарслик”, “мукаммал дарслик” ва ҳоказо деб таърифлаш учун тўла асос беради. Аммо бу каби сифатлашлар айни дарслик тўғрисида тўла тасаввур бермайди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун ҳар-ҳар жойдан варақлаб бўлса-да, дарсликни озгина ўқиб чиқиш кифоя қиласи.